

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



МАХСУС МАВЗУ

МАВЗУ: Араб тили ҳақида умумий маълумотлар.

**БАЖАРДИ: МАҲМУДОВ А. –
Лингвистика мутахассислиги 1-курс магистранти**

ТОШКЕНТ-2011

Араб тили ҳақида умумий маълумотлар.

Араб тили сомий тиллари гуруҳининг жанубий-марказий кичик гуруҳчасига киради. Араб мамлакатларидаги демографик ўсишнинг ғоятда юқори бўлганлиги туфайли (йилига 8-10%), араб тили жаҳонда энг кўп тарқалган тиллар қаторидан жой олмоқда.

Сўзлашувчилар сони бўйича (300 млн. киши, улардан 250 млн. араб тилини ўзининг она тилиси деб ҳисоблайди) араб тили жаҳонда 5-ўринда туради.

Араб тилида сўзлашувчиларнинг энг кўп сони Мисрда (80 млн. киши, улардан 75 млн. уни ўзининг она тилиси деб ҳисоблайди).

Ундан кейинги ўринларда Жазоир (29/24 млн.), Марокаш (27/18 млн.), Саудия Арабистони (24/23), Судан (22/19), Ироқ (22/18), Яман (19/19), Сурия (16/15), Тунис (10/9), Ливия (6/5), Исроил (6/5 – шу жумладан Бейт-Лахм, Рамаллах ва Ғазо сектори), Иордания (5/5), Ливан (4/3), Франция (3/2), Умон (3/2), Мавритания (3/2), ЧАД (3/2), Кувайт (2/2), АҚШ (2/2), БАА(2/1), Эрон (2/1), Туркия (2/1).

Араб тили 26 мамлакатда, жумладан, Бирлашган Араб Амиоликлари, Баҳрайн, Жазоир, Жибути (француз тили билан), Иордания, Ироқ (курд тили билан), Исроил (иврит билан), Қатар, Қомор ороллари (француз тили билан), Қувейт, Ливан, Ливия, Мавритания (француз тили билан), Мағриб, Миср, Саудия Арабистони, Сомали (сомали тили билан) Сурия, Судан (инглиз тили билан), Тунис, Умон, Фаластин Мухторияти, Чад (француз тили билан), Ғарбий Сахро, Эритрея (наряду с тигринья) ва Яманда давлат тили ҳисобланади.

Араб тили – Бирлашгани Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ва унинг махсус халқаро муассасаларининг расмий ва ишчи тилларидан биридир.

Араб тилининг ривожланиш тарихининг энг муҳим босқичлари – бу Ислом динининг пайдо бўлиши ва араб ёзувининг ишлаб чиқилиши бўлди (милодий сананинг В-асри).

Араб тилида топилган биринчи эпиграфик (асосан, тошларда битилган) ёдгорликлар – бу қабила ва чўпонларнинг пода ва туялари билан бирга жойдан-жойга кўчишлари ва уларнинг ҳаракат йўналишлари тўғрисидаги битилган хабарлар ҳамда қабр тошлари устидаги вафот этганларга бағишланган ёзувлардир.

Исломгача бўлган даврда (жоҳилия) бундай ёзувларда набатия шрифти ёки Жанубий Арабистон ярим ороли (собия) шрифти турларидан бири қўлланилган. Араб ёзувининг якуний шакли эса набатия шрифти асосида Қуръону Карим ёзилиш даврида вужудга келди (милоднинг ВИИ-асри ўрталарида).

ВИИ-асрда Араб халифатининг барпо қилиниши, Ислом динининг дунёда тарқалиши муқаддас китоб - Қуръону Каримнинг ва давлат тили бўлмиш араб тилининг кенг тарзда ўқитилишига бўлган талабни кучайтирди.

Араб давлатларига биринчи марта борган талабалар дучор бўладиган асосий қийинчилик ва муаммолардан бири – уларнинг араб адабий тилидаги мулоқотларини маҳаллий аҳоли умуман тушунмаслигидир.

Бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Негаки, араб шева тилларининг турлари ҳар хил бўлиб, араб мамлакатларининг сони ҳам кўп.

Олимлар томонидан фараз қилинадик, араб тили асримизнинг биринчи асрларида Саудия Арабистони ярим ороли қабилаларининг бир-бирига яқин бўлган шевалари мажмуидан иборат бўлган.

Қабилавий ва маҳаллий шевалардан ташқари, айнан шу пайтларда шеърӣ жанрнинг ягона шакли ҳам ташкил топади. Қабилалар шоирларининг асарлари тўқилиб, қабиладан-қабиллага ва авлоддан-авлодга оғзаки равишда етказиларди ва мерос қолдириларди (ҳикоя ва достонлар).

Шу билан бирга, XX-асрнинг иккинчи ярмига келиб, араб ва совет арабшунос ва тилшунослари (шу жумладан Ўзбекистонлик олимлар ҳам) араб тили шеваларини ўрганишга мурожаат қиладилар. Натижада янги йўналиш – араб тили шевашунослиги пайдо бўлди.

XX-асрнинг иккинчи ярмида араб тилшунослигини ўрганувчи масалалар сони жиддий равишда кенгаяди. Янги таҳлил услублари ишлаб чиқилади, араб тилига нисбатан тарихий ёндашиш юзага келади, шева тиллари ҳам илмий тадқиқот объектига айланади. Бир қатор олимларнинг илмий ишларида араб тилини таҳлил қилиш умумий тилшунослик масалалари доирасида амалга оширилади (Иброҳим Анис, Муҳаммад аль-Муборак, Субҳи ас-Солиҳ, Иброҳим ас-Самарраи, Мурод Комил, Маҳди ал-Маҳзуми). Араб адабий тили ва шева тилларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб ва муҳим масалага айланади. Бу соҳада Иброҳим ас-Самарраи, Абд ар-Раҳмон Айюб, Аҳмад Мухтор Умар, Камол Муҳаммад Бишар ва Хасана Зазуларнинг тарихий-қийсий илмий ишлари чоп этилади ва илмий мунозараларга тақдим этилади.

1950-йилларда СССР ФА Шарқшунослик институтида профессорлар Г.Ш.Шарбатов ва Ю.Н.Завадовскийларнинг иштироки ва раҳбарлиги остида ҳозирги замон араб шева ва лаҳжалари - Ироқ, Миср, Судан, Сурия ва Яман ҳамда Мағрибнинг бир гуруҳ лаҳжалари (Жазоир, Ливия, Марокаш, Тунис) ва, ҳаттоки, Африкадаги ноараб мамлакатларда (ЧАД, Сомали, Сенагел, Эфиопия) истеъмолда бўлган араб лаҳжаларини кенг кўламда ўрганиш ва тавсиф қилиш мақсадлари учун мўлжалланган Марказ шаклланди.

Шу ўринда қувончли бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек арабшунослари А.У.Каримов ва Қ.Н.Носировлар ҳам кенг миқёсда олиб борилаётган шевашунослик илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этдилар.

Мамлакатимиз ва мазкур марказдаги барча арабшуносларнинг муштарак меҳнатлари туфайли араб тилининг шева ва лаҳжаларига оид ҳужжат ва материалларни тўплаш ва уларни чуқур таҳлил этиш кўзга яққол ташланадиган икки қарама-қарши йўналишда ривожланаётган араб

тилининг типологик тадрижий ўзгаришининг (эволюцион) хусусиятларини умумлаштирувчи пухта ақидасини (концепция) ишлаб чиқишга имкон яратди.

Бу – бир томондан, сунъий (синтетик) тузилиши равшан ва яққол бўлган ҳукмрон мумтоз (классик) араб тили ва ҳозирги замон араб адабий тиллари бўлса, иккинчи томондан эса – янги ва энг янги даврнинг, шакл-шубҳасиз, таҳлилий (аналитик) тузилишга оғувчи кўп сонли араб шева ва лаҳжаларидир.

Шунингдек, арабшуносларимиз томонидан олиб борилган ҳозирги замон араб шева ва лаҳжаларини жадал (интенсив) ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш уларнинг таснифини (классификациясини) чуқурлаштиришга ва, мана шу асосда, шева ва лаҳжаларнинг бир-бири билан ҳамда араб адабий тили билан ўзаро муносабати ва кейинги ривожланишининг эҳтимолга яқин бўлган истиқбол ва келажагини белгилаб олишга шароит туғдиради.

Араб адабий тили билан шева ва лаҳжаларининг ўзаро муносабати ҳамда мавжуд масала ва муаммолари, айниқса, ҳозирги замон араб дунёси учун жуда ҳам долзарбдир. «Олий» ва «паст» деб, бир-бирига қарама-қарши бўлган ва таркиб жиҳатидан бир-биридан жузъий фарқ қиладиган тилларнинг бирга ишлатилиши социолингвистикада диглоссия деб аталади. Икки тилликдан фарқли ўлароқ, диглоссия ҳолатида керакли бўлган тиллардан бирининг шаклини танлаш айнан шу пайтда шахслараро мулоқотнинг мақсадига тезроқ етиш учун лозим бўлган тиллардан бирининг шаклини танламасдан, балки мулоқотнинг мазмуни ёки гапнинг маъносини тезроқ англатадиган тилга мурожаат қилинади.

Масалан, бир хил тил шакллари жиддий, юксак ва буюк мавзуларда ва расмий ва тантанали ҳолларда қўлланилса, бошқаси эса қолган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бу ҳол нафақат ўқиган, саводли ёки олий таълимот эгаси бўлган табақа намоёндалари, балки қолган ҳамма табақаларнинг аъзоларига ҳам тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай аҳволни бутун араб олами мамлакатларида учратишимиз мумкин ва бу ҳолат араб давлатларида катта муаммо сифатида тан олинади.

Худди шундай ҳолат бир неча асрлар давомида адабий рус ва диний черков рус тиллари ўртасида ёки бошқа Ғарб мамлакатлари ва диний черков лотин тиллари ўртасида кузатилиб келинмоқда. Аммо араб давлатларида кузатилаётган муаммо анча қийин ва мураккаброкдир, негаки, араб адабий тили нафақат “олий” тил бўлибгина қолмай, балки у араб оламининг барча чеккаларида ва унинг атрофида истиқомат қилувчи халқларнинг ўзаро мулоқот қилиш воситаси ҳам бўлиб хизмат қилади.

Жуғрофий аломатларига кўра барча замонавий араб шева тиллари ва лаҳжалари Шарқий (машрик) ва Ғарбий (мағриб) икки катта гуруҳига бўлинади.

А. Шарқий (машрик) катта гуруҳи, ўз навбатида, қуйидаги 5 кичик шева гуруҳчаларига бўлинади:

- Сурия-Фаластин гуруҳчаси (Ливан, Сурия, Урдун, Исроил, Фаластин);
- Шарқий гуруҳча (Месопотамия – Ироқ ва Кувайт);
- Саудия Арабистони ярим ороли мамлакатлари гуруҳчаси (БАА, Баҳрайн, Қатар, Саудия Арабистони, Умон, Яман);
- Миср-Судон гуруҳчаси;
- Марказий Осиё давлатларининг араб тили шевалари.

Б. Ғарбий (мағриб) катта гуруҳи (Джибути, Жазоир, Ливия, Мавритания, Мағриб, Тунис, Ғарбий Сахро).

Аммо, таъкидлаш жоизки, мазкур бўлинишлар шартлидир. Негаки, айрим мамлакатларидаги шева тиллари бир-бирларидан жуда ҳам катта фарқ ʻилади. Бир хил ҳолларда фарқ шунчалик каттаки, уларни ҳатто бир давлат миқёсида ўзаро тушунишлари қийин. Масалан, кичкинагина Фаластин (ҳудуди 7000 кв.км., аҳолиси 1,5 млн.) ёки Исроил (ҳудуди 20,7 минг.кв.км., аҳолиси 5,9 млн.) давлатларида бадавий (кўчманчи), фаллоҳ ёки шаҳар аҳолиси ўртасидаги лаҳжалар фарқ қилади, насроний арабларнинг шевалари мусулмон арабларининг шеваларига ўхшамайди.

Ёки Яманни олсак (ҳудуди 532000 кв. км., аҳолиси – 17 млн.). Бу давлатда 168 қабила мавжуд. Қарийб, ҳар бир қабиланинг шева тиллари бир-бирларидан сезиларли фарқ қилади.

Аммо, араб адабий тили ҳамма араб давлатлари учун ягонадир. Араб адабий тили ҳамма араб мамлакатларида бир хиллаштирилган фикрга унча ҳам қўшилмайман. Араб адабий тилининг луғат бойлиги ўз ичига жуда ҳам кўп соҳадаги сўз ва атамаларни олади, аммо баъзи бир араб мамлакатларида улар кундалик-сўзлашув тилларида жуда ҳам кам ишлатилади.

Театр ва кино, оммавий ахборот воситалари, телевидение, рўзнома, мактаб-таълим материаллари ҳамма араб давлатларида, аксарият ҳолларда, араб адабий тилида олиб борилади.

Хулласи-калом қилиб айтганимизда, араб тили кейинги 1,5 минг ичида пайдо бўлган оғзаки шева тилларининг умумлашган ҳосиласи деса бўлади. Ислом дини, биринчи навбатда, Қуръону Карим аксарият ҳолларда умуман турли бўлган шева тилларини бирлаштирган асосий омил бўлдилар.

Мальта тилининг ривожланиш босқичларини ўрганиб, Ислом динининг тилни шакллантиришдаги ўрни ва ролини ни аниқ сезиши мумкин.

Хабаринглар борки, Мальта давлати насронийлар ўлкаси бўлишига қарамасдан, унинг тили – бу араб тилига яқин мағриб шева тилларидан бири бўлиб, аллақачон мустақил тилга айланиб кетган.

Айни пайтда, диний маросимлар ўтказиш тилининг ягона қолипи шаклланди (лотин тили каби). Кейинчалик қабилалараро ягона оғзаки тилнинг бошқатдан ишлаб чиқилган шакллари араб адабий тилининг шакллантиришда асосий роль ўйнаган деб фараз қилинади.

Умумий араб тилининг биринчи ёзма ёдгорлиги – бу милодимизнинг VI-асрида ёзилган Қуръону Каримдир. Матнининг муқаддаслиги туфайли Қуръону Карим бирон-бир жиддий ўзгаришсиз ва тил хусусиятларини тўла сақлаган ҳолда ҳозирги пайтгача етиб келган.

В VII-IX –асрларда қабилалар шеъриятининг ўчмас оғзаки ёдгорликлари ҳам секин-аста умумий араб адабий тилига қўчирила бошланди.

Араб адабий тили VII-X-асрлар давомида илмий муассасалар ва саводхонларнинг ёзув соҳаларида янада такомиллашади.

Араб миллатининг бирлашуви ва жипслашуви, мусулмон умматининг пайдо булиши, ислом динининг таръалиши, мамлакат, давлат маъмурияти ва муассасалари ҳамда Қуролли Кучларнинг шаклланишлари натижасида умумий араб оғзаки тили ҳам шаклланди ва ривожланди. Стандарт араб тили (араб адабий тили) ривожланиши билан бир қаторда араб тилида сўзлашувчи халқлар ичида ҳозиргача ҳам қадимий шевалар қўлланилиб келмоқда

Фойдаланилган адабиёт:

1. Б. Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. М. 1998г.
2. Э.Н.Мишкуров. Морфологический строй современного арабского языка. Т.1992г.
3. Г.Ш.Шарбатов. Современный арабский язык. М.-1982г.
4. Завадовский Ю.Н. «Арабские диалекты Магриба». М., 1962 г.
5. Завадовский Ю.Н. «Обзор арабских диалектов Магриба». М., 1962 г.
6. Сегаль В.С. «Некоторые вопросы звукового состава и орфоэпии современного арабского литературного языка». М., 1964 г.

Қўшимча адабиёт:

1. Белова А.Г «История арабского языка». М., 1979 г.
2. Белова А.Г «Средний язык в системе наддиалектных форм арабского языка. Типы наддиалектных форм языка». М., 1981 г.
3. Шагаль В.Э. «Языковой аспект национальных процессов в арабских странах». М., 1987 г.
4. Мишкуров Э.Н. «Основы теоретической грамматики современного арабского литературного языка», часть 1, 1978 г., М., часть 2, 1979 г., М.
5. Лебедев В.В. «Поздний среднеарабский язык в ХИИИ-ХХВИИИ вв.»
6. Кисин Л.П. «Владение разными подсистемами языка как явление диалогии-социально лингвистические исследования», 1976 г., М.
7. Труды диалектологической комиссии Академии наук СССР, вв. 1—10, Известия и Сборники (ИИ) отделения русского языка и словесности Академии наук, «Русский филологический вестник».
8. Бадави М.С. «Степень и уровень современного арабского языка в Египте». Каир, 1972 г.
9. Аль-Касеми А. «Языки и схожесть диалектов в арабских странах». Тунис, 1981 г.